



ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь куни фармацевтика тармоғида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Юртимизда фармацевтика бўйича катта имкониятлар бўла туриб, ундан тўла фойдаланилмас эди. Охириги йилларда бу тармоқ “драйвер”лардан бири сифатида белгиланиб, изчил ривожлантириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 майдаги фармонида мувофиқ, Нукус, Зомин, Косонсой, Сирдарё, Бойсун, Бўстонлиқ ва Паркентда фармацевтикага ихтисослашган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган эди. Уша йили 7 ноябрдаги фармонга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тузилди. Доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, инвестициялар жалб этиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кенг шароитлар яратилди.

Буларнинг натижасида сўнгги беш йилда 71 та янги корхона ташкил этилиб, 2 минг 500 дан ортиқ турдаги дори воситалари, 241 турдаги тиббий буюмлар ва 78 турдаги тиббий техника ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар ошди.

Лекин бу натижалар ҳали етарли эмас. Бугунги кунда маҳаллий корхоналар ички бозор талабини натурал ҳажмда 55 фоизга таъминламоқда, холос.

Келгуси беш йилда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда 2022-2026 йилларга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Тақдиротда ана шу лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, жами 1,25 миллиард долларлик 104 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. Уларнинг натижасида 376 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, 84 миллион долларлик экспорт

қуввати яратилиши ҳисоб-китоб қилинган. Энг муҳими, 9 мингга яқин киши иш билан таъминланади.

Президентимиз бу лойиҳаларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини таъкидлаб, уларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдиротда маҳаллий доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз ҳудудида 750 турдаги доривор гиёҳлар ўсади. Улардан фойдаланиб, дунё бозорига харидорғир табиий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳамма шароит яратиб берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги қарори билан ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди, муайян ҳудудлар доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштирилди. Бу йўналишда 19 та корхона ишга туширилди.

Лекин 750 турдаги доривор ўсимликлардан факатгина 70 таси маҳаллий корхоналар томонидан фаол ишлатилмоқда.

Президентимиз юртимиздаги доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш орқали экспортни 15 миллион долларга етказиш ва 5 мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлигини таъкидлади. Мутасаддиларга шу йўналишдаги кластерлар фаолиятини йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бунда, доривор ўсимликларни етиштириш учун ер майдонларини ажратиш, уруғчиликни ривожлантириш, агрономларни тайёрлаш, доривор ўсимликларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол бозорларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Соҳадаги яна бир йирик лойиҳа — “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластеридир. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 январдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу замонавий марказ Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этилмоқда. Хусусан, фармацевтика университети, фармакопея маркази, илмий-тадқиқот маркази, экспертиза маркази, лабораториялар, виварий ва илмий-тажриба ишлаб чиқариш биноси қурилмоқда.

Шунингдек, бу ерда 140 миллион долларлик 7 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдиротда биофармацевтик дори воситаларини ўзлаштириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Юртимиздаги корхоналарда 3 мингдан ортиқ номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса-да, улар асосан бир компонентли, мураккаб бўлмаган дори воситаларидир.

Шу боис, Президентимиз онкологик, гормонал, қон препаратлари, вакциналар каби инновацион биотехнологик дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат ҳаридлари орқали маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, халқаро стандартлар асосида тайёрланаётган маҳсулотларни сертификациялашни соддалаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Илм-фан ва саноат корхоналари кооперациясини ривожлантириш, замонавий билимларга эга малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳани янада ривожлантириш борасида алоҳида дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ИФТИХОР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР МУБОРАК!

XVI Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон спортчилари муносиб кутиб олинди

Чекланган имконият билан ҳам инсон юксакликка парвоз этиши, орзулари ушалиши учун ҳаракат қилиши, шу орқали мақсадларини амалга ошириши мумкин. Санъат, маданият, адабиёт, илм-фан қаторида спорт ҳам бу борада инсонга бекиёс куч беради: умид бағишлайди, ҳаётни рангин қилади. Тўғри, бу осон кечмайди. Унинг ҳам ортида заҳмат, машаққатли машғулотлар бор. Бу эса иродани тоблайди, матонат бағишлайди, инсон имкониятлари бениҳоя чексиз эканини исботлайди.

▶ Давоми 5-бетда



Музаффар Абдуллеев олган сурат.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАТТА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

ЁХУД ҲАЙРАТЛАНИШ ВА ФАХРЛАНИШГА МУНОСИБ ЮТУҚЛАР



▶ Давоми 4-бетда

Катта ислохотлар, ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида яшаймиз. Шу жараёнларга мос тарзда тасаввуримиз, онгу шууримиз, фикрларимиз теранлашди. Одамларимиз ҳаётига яратувчанлик шукуҳи кириб келди. Гап шу ҳақда борар экан, кўз олдимиздан тарих сабоқлари ўта бошлайди. Кўп узокқа бормайлик. XX асрда инсоният муҳим воқеликларни бошидан кечирди. Дунё қиёфасини, яшаш моҳиятини ўзгартирувчи сиёсий эврилишлар айнан ўтган асрда юз берди. Натижада жаҳоннинг кўплаб давлатлари иқтисодий ривожланишга, халқи фаровон турмушга юз тутди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ҚАТЪИЙ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда олий таълим тизимини модернизация қилиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълимнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат раҳбарияти томонидан ўқитишнинг янги методларини халқаро амалиётга мувофиқ ташкил этиш, академик дастурларни такомиллаштириш, ўқув жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда сифатли янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари, илмий ва ижтимоий соҳа ривожланиши эҳтиёжларини, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, корхоналарда талабалар амалиётини ташкил этишни инobatга олган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини мақбуллаштириш масалаларига муҳим урғу берилмоқда.

Чуқур билим ва кўникмага эга рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш мақсадида юртимиздаги олий таълим муассасалари сони **142 тага** етказилди (2016 йилда **77 та** олийгоҳ мавжуд эди).

Яқинда давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьёсида таъкидланганидек, қисқа муддатда бу борада икки баробар ўсишга эришилгани, ҳеч шубҳасиз, “...**ёшларимиз, бутун жамиятимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, замонавий билим, касб-хунарларга янада яқинлаштириш йўлидаги ҳаракатларимиз натижаси...**” ҳисобланади.

Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига ўзига хос “ноу-хау” олиб кирган **26 та** филиали фаолият юритмоқда. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлик доирасида қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилши натижасида **64 та** янги йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш бошланди.

Жамият тараққиётининг замонавий тенденциялари юқори сифатли олий


таълимга эга бўлишнинг тубдан янги даражасига ўтишни талаб этади. Шунга асосланиб, бугунги кунда Ўзбекистонда ёшларнинг олий таълим билан қамровини кенгайтириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Сўнгги 5 йил мобайнида олий таълим муассасаларига қабул параметрлари 3 баробар оширилди ва **171 минг** нафар ёш янги ўқув йилида талаба бўлиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда аҳолининг олий таълим билан умумий қамрови **28 фоизга** етди, 2016 йилда эса атиги **9 фоиз**ни ташкил этган. Шу билан бирга, 2030 йилга бориб ҳудудлардаги **давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари** фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш вазифаси қўйилган.

▶ Давоми 3-бетда

СУРУР

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган пурмаъно нақл бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Чунки боғ бир кишининг эмас, кўпчиликнинг эҳтиёжи учун барпо этилади. Унинг мевасидан, соясидан, атроф-муҳит мусофалигидан бир нечта авлод баҳраманд бўлади. Шу боис, боғ яратган киши халқ орасида улугланади. Унинг ҳузурини кўрган одамлар боғ барпо этган инсонлар ҳақида дуо қилади. Кўпчиликнинг дуоси ижобат деганларидек, ўша инсонга беҳисоб савоб ёзилади.



Ҳамми йўлдошев олган сурат.

УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИ КЎЗГУСИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУГУНГИ ИНТИЛИШЛАРИНИ УЛУҒЛАЙДИГАН ГЎЗАЛ ВА ФУСУНКОР МАСКАН

Боғдорчилик инсоният тамаддуни тарихидаги энг улуғ ва муҳим кашфиётлардан бири. Одамлар қадимдан боғни тўкин-сочинлик, ободлик, фаровонлик рамзи, деб билган.

Боғлар тарихи ҳақида сўз кетганда, “Дунёнинг етти мўъ-

жизаси”дан бири бўлган — Бобил ҳукмдори Навуходоносор томонидан милoddан аввалги VI асрда бунёд этилган Бобил осма боғлари ҳақида ўқиганларимиз беихтиёр хаёлга келади. Манбаларда қайд этилишича, Бобил тасаввур қилиб бўлмас

даражада гўзал бўлган. Сунъий майдон устида қурилган мазкур боққа қават-қават айвонлар орқали чиқилган. Ҳар бир қаватда гўзал боғлар яратилган.

▶ Давоми 6-бетда

АНЖУМАН

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО КОНГРЕСС МАРКАЗИДА ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИНИНГ 46-ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ



Мазкур анжуман халқаро ҳамжамият ҳамда ИТБга аъзо мамлакатларнинг ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Пойтахтимиз-

даги учрашувда 57 мамлакатдан вазирлар ва расмийлар, шунингдек, онлайн ва оффлайн шаклдаги тадбирларда 4,5 минг нафарга яқин вакил иштирок этганлиги бунинг далилидир.

Шу ўринда қуйидаги маълумотга эътиборингизни қаратмоқчимиз. ИТБга аъзо мамлакатларда 1,8 миллиард аҳоли

истиқомат қилади ва уларда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 16 фоизи ишлаб чиқарилади. Ўтган йили ушбу давлатлар иқтисодиёти 4,1 фоизга ўсди, бу жаҳон ўртача кўрсаткичидан юқорироқ. Келгуси уч йилда бу борада ўсиш 4,2 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

АНЖУМАН

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ



Бошланиши 1-бетда

Ислом тараққиёт банки гуруҳи 1973 йил ташкил топган. Бош қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда банкка 57 та давлат аъзо бўлиб, устав жамғармаси 150 миллиард долларга тенг.

Ўзбекистон ушбу банкка 2003 йилда аъзо бўлган. Бугунги кунга қадар жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳаси маъқулланган. Улар доирасида мактаблар, арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари қурилган, электр ва ичимлик суви тармоқлари ўтказилган, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий жиҳозланган.

Президентимиз анжуманда сўзлаган нутқида қайд этганидек, “Банкнинг йиллик анжумани Тошкентда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга. Биз буни Ўзбекистоннинг ислом дунёси ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатда сўнгги 5 йил давомида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг эътирофи деб ҳисоблаймиз”.

Давлатимиз раҳбари банк фаолиятига доир қатор таклифларни илгари сурди.

Алоҳида қайд этиш керакки, мазкур тадбир пандемия бошлангандан бери дунёдаги халқаро молиявий институтлар орасида биринчи бўлиб ташкил этилган нуфузли анжуман саналади. Унда COVID-19 пандемиясидан сўнг ИТБга аъзо мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, саммит доирасида иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, соғлиқни сақлаш, аъзо давлатларда илм-фан, технологиялар ва инновациялар экотизимини қўллаб-қувватлаш мавзуларида ушбу мажлислари, қатор учрашувлар ўтказилди.

Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад Сулаймон

Ал-Жассер ўз нутқида, энг аввало, анжуманга юқори даражада мезбонлик учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик билдирди.

— Мураккаб пандемия даврида бундай йирик анжуманларни ўтказиш осон эмас, — деди у. — Жаҳон соғлиқни сақлаш тизими инқирози шароитида йиллик учрашувимиз замонавий тиббиётнинг отаси бўлмиш ИБН Сино Ватанида ўтказилаётгани катта бахт. Ўзбекистон ислом цивилизацияси ва илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган. Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлар жўшқин исломий, илмий ва маданий мерос ўчоғи бўлган. Бу заминдан етишиб чиққан қўллаб-қўлловчилар илмда оламшумул кашфиётлар қилган. Шу жиҳатдан, Ислом тараққиёт банки президенти сифатида унинг йиллик йиғилишида илк бор Ўзбекистон заминидан иштирок этаётганим чуқур мазмунга эга.



Ўзбекистон билан ИТБ ўртасида ҳамкорлик йил сайин кенгайиб борапти. Жумладан, 2020 йилнинг 19 декабрь куни банк директорлар кенгаши Ўзбекистонда умумий қиймати 509,2 миллион долларга тенг бўлган иккита йирик ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳани молиялаштиришни маъқуллаган.

200 миллион долларлик биринчи лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида бир қатор инфратузилмавий ва ижтимоий объектларни модернизация қилишни кўзда tutади. Лойиҳа доирасида 1161 километрдан иборат сув таъминоти тизимлари, 626 километр йўл, 1154 километр паст кучланишли электр линиялари, 693 километр ирригация ва дренаж тармоқлари, 155 та ўқув, тиббий ва 100 дан ортиқ бошқа иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш режалаштирилган.

Иккинчи лойиҳа маҳаллий кли-

никаларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш орқали саратон касаллигига чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш дастурининг навбатдаги босқичини амалга оширишни кўзда tutади.

Йиғилиш арафасида Ўзбекистон бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умуրзоқовнинг Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад Сулаймон ал-Жассер билан бўлиб ўтган учрашуви чоғида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, таълим, инфратузилмавий қурилиш, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ жойларда ҳаёт сифатини яхшилаш соҳаларида 6 та янги инвестиция лойиҳасига оид ишларни фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди.

Йиғилиш доирасида Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш жамғармаси (УИЙОЖ) ишга туширилди. Мазкур

Пировардида мамлакатимизда 102 мингдан ортиқ янги иш ўрнини яратиш, 34 мингдан зиёд кичик ва ўрта корхона, ижтимоий тадбиркорлар ва кооперативларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши кутилмоқда.

Анжуман доирасида, шунингдек, Хусусий сектор форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда 60 дан ортиқ мамлакатдан келган вазирилик, турли идоралар ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашди.

Молия муассасаларимиз томонидан бир қатор манфаатли келишувларга эришилди. Хусусан, ИТБ ва “Трастбанк” ўртасида 15 миллион долларлик молиялаштириш шартномаси, “Туронбанк” билан халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМХС) юзасидан ҳисобот беришни жорий этишга доир техник ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим ва бошқа шартномалар имзоланди.

Янги истиқбол учун ИТБ стратегиясини муҳокама қилишга бағиш-

ланган давра суҳбатида Тошкентда ўтказилган йиллик анжуман пандемиядан кейинги даврда янада барқарор ривожланиш суръатларини белгилловчи асосий омиллар ва ИТБга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари олдида турган муаммоларни ҳал қилиш механизмларининг ягона тушуنча ва қўринишларини шакллантириш учун платформа бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Банк раҳбарияти маълум қилишича, ИТБ соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришга инвестициялар киритади ҳамда пандемия оқибатларини бартараф этишда аъзо мамлакатларга амалий қўмак беришни изчил давом эттиради. Шунингдек, аҳолини оммавий эмлашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон”
мухбирлари

МУНОСАБАТ

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ



Актам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

Жорий йилнинг 1-4 сентябрь кунлари Тошкент шаҳри нуфузли халқаро анжуман — Ислом тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилишига мезбонлик қилди. ИТБ гуруҳига қирувчи 57 мамлакатдан вазирлар ва расмийлар, йирик бизнес, экспертлар, оммавий ахборот воситаларининг икки мингдан ортиқ вакили иштирок этган йирик тадбир бевосита кенг жамоатчилик ҳамда дунё ҳамжамияти диққат марказида бўлди.

Ислом тараққиёт банки гуруҳи жаҳонда катта нуфузга эга. Банк ташкил этилаётган вақтда унинг аъзолари 22 та мусулмон давлатдан иборат бўлган бўлса, ҳозирги вақтга келиб уларнинг сони 57 тага етди. Ўзбекистон ҳам мазкур банк гуруҳининг муҳим аъзоси ҳисобланади.

Ташкилотнинг устав жамғармаси 150 миллиард долларга тенг бўлиб, ҳозирга қадар мамлакатимизда банк томонидан молиялаштирилувчи жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳаси маъқулланган. Улар доирасида мактаблар, арзон уй-жойлар, автомобиль йўллари, электр ва ичимлик сув тармоқлари қурилиб, соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий жиҳозланган. Шу боис, Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорлик аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Анжуманнинг асосий мавзуси ИТБга аъзо мамлакатларнинг пандемиядан кейин ижтимоий ва иқтисодий тикланишига қаратилди. Президентимиз тадбирга ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг мазкур банк билан ҳамкорлиги, коронавирус пандемиясининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини енгиб ўтиш масалаларига тўхталар экан, мамлакатимизда инқирозга қарши ишлаб чиқилган чораларни ўз вақтида қўллаб-қувватлагани учун Ислом тараққиёт банкига миннатдорлик билдирди.

Ўз навбатида, Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад Сулаймон Ал-Жассер айнаи шароитда ушбу йиғилишнинг аҳамияти ниҳоятда долзарблигини таъкидлади. “Банк ташкил

этилганидан буён кўп томонлама ҳамкорлик унинг миссиясининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда ислом мамлакатлари, умуман, халқаро ҳамжамият олдида миллионлаб одамларнинг иқтисодий ривожланиш афзаллиқларидан баҳраманд бўлишига тўқсинлик қиладиган ҳар қачонгидан мураккаб глобал муаммолар турибди. Бу йилги йиллик йиғилиш банкка аъзо мамлакатларга ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун умумий кун тартибинини ишлаб чиқишда имконият яратди”, деди нуфузли меҳмон.

Анжуман доирасида асосий тадбирлардан ташқари иқтисодиёт, барқарор ривожланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, ислом молияси мавзуларида қўшимча учрашувлар ўтказилди. Айниқса, Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармасини ташкил этиш бўйича келишув имзолангани айтиш мумкин бўлди. Капитали 500 миллион долларга етказилиши кўзда тутилган мазкур жамғарма орқали камбағилликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Бугун дунё мамлакатлари иқлим ўзгариши, йирик миграцион жараёнлар, табиий ресурслар ва озиқ-овқат етишмовчилиги каби синовларга дуч келмоқда. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз банк фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни билдирди.

Биринчидан, “Ғарбий Африкадан Шарқий Осиёгача яшил йўлак” савдо-иқтисодий маконини шакллантириш таклиф этилди. Унинг амалга оширилиши эса ўзаро савдо ва сармоявий алоқалар кенгайишига, мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан бирилаиши ва барқарор ўсишига хизмат қилади.

Иккинчидан, Халқаро ислом савдо-молия корпорацияси ҳамда Инвестициялар ва экспорт кредитларини суғурталаш ислом корпорацияси томонидан молиявий инструментларни кенгайтириш бугунги куннинг жуда долзарб масаласидир. Шубҳасиз, бу эркин савдонинг рағбатлантириш, инвестициявий хатарларни суғурталаш, транспорт ва логистика инфратузилмаларини ривожлантиришга йўл очади.

Учинчидан, коронавирус пандемиясидан кейинги даврда аъзо мамлакатлар иқтисодиётлари ривожланишига инновацион тус бериш гоат муҳим. Жумладан, Ислом тараққиёт банкнинг фан, технология ва инновациялар жамғармаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига илгор ишланмаларни жорий қилиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қайта тикландагилар энергия ва экологик технологияларни кенг қўллаш, айниқса, долзарбдир.

Тўртинчидан, минтақавий аҳамиятга эга инвестицион ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш таклиф этилди.

Ишонамчиси, бу каби ташаббуслар Ислом тараққиёт банки томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланади. Зеро, илгари сурилган таклифлар бугунги кунда долзарб ва ўткир муаммоларни ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Нуфузли банклар билан шу каби амалий ҳамкорликларни ривожлантириш эса, аввало, халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

ТАДБИР

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ: БУГУНГА ҚАДАР 12 НАФАР ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛДИ

Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 6 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сайловда дунёнинг 50 га яқин мамлакатлари ҳамда ўнлаб халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини бюронинг тўлақонли миссияси, яъни таркибида асосий гуруҳ (10-15 нафар эксперт), 28 нафар узоқ муддатли ва 250 нафар қисқа муддатли кузатувчи орқали мониторинг қилиш тўғрисида ҳулоса қилган. Бугунги кунгача ушбу халқаро ташкилот асосий гуруҳининг тезкор бўлиш таркибидан 3 нафар мутахассис-эксперти аккредитациядан ўтказилди.

Йиғилишда ДИИХБ сайловларни кузатиш миссияси асосий гуруҳининг 9 нафар вакилини аккредитациядан ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

— Қайд этиш лозимки, ДИИХБнинг сайловларни кузатуви миссияси бюронинг ушбу соҳадаги фаолиятининг энг кенг қамровли шаклидир, — деди Марказий сайлов комиссияси аъзоси Гулноза Раҳимова. — Миссия сайловнинг ўтказилишини унинг



ЕХХТ мажбуриятларига, демократик сайловнинг бошқа халқаро стандартларига, шунингдек, миллий қонун ҳужжатлари қондаларига мослиги нуктаи назаридан баҳолайди. Бундан ташқари, миссия сайлов ўтказиш соҳасини яхшилашга доир аниқ тасвияларни таклиф этади. ДИИХБнинг сайловларни кузатиш услуби мувофиқ, одатда сайловларни кузатиш миссияси овоз бериш кунидан 6-8 ҳафта олдин ишга киришади ва сайлов жараёнининг барча жиҳатларини кузатиб боради. Бундай нуфузли халқаро ташкилот вакиллари билан сайловда иштирок этиши мазкур сиёсий тадбирни халқаро андозалар ва умуминсоний тамойиллар асосида ўтказиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун ДИИХБдан яна 9 нафар халқаро кузатувчи рўйхатдан ўтказилди. Шу тариқа бугунга қадар аккредитациядан ўтказилган халқаро кузатувчилар сони 12 нафарга етди. Қабул қилинган қарорга биноан, Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинган халқаро ташкилот кузатувчиларига белгиланган намунадаги маандатлар тайёрланади.

Шунингдек, йиғилишда маҳаллий ОАВнинг 25 нафар нуфузли рўйхатдан ўтказилди. Шунинг билан ҳозирча аккредитациядан ўтказилган маҳаллий ОАВ вакиллари сони 802 нафарни, ҳорижий ОАВ вакиллари эса 48 нафарни ташкил этмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири

АКС-САДО

ТИББИЁТ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ОДАМЛАРНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН, МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛМОҚДА



Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
“Содиқ хизматлари учун” медали соҳиби

Мустақиллик эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг бош омилдир. Истиклол шарофати билан халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди, миллатнинг ғурури, орномуси, шаъни тикланди. Озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон яшаш бахтига муяссар бўлдик.



Қуни кеча халқимизнинг фахри-ифтихори тимсоли сифатида қад ростлаган “Янги Ўзбекистон” боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамини улкан шодиёна сифатида кенг нишонладик. Тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, халқимизни байрам билан табриқлади.

Ушбу нутқни тинглаб, ниҳоятда руҳланиб кетдим. Унда мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт ҳам жадвал ривожланиш босқичига ўтгани, хусусан, 2016 йилда мавжуд бўлган 800 та “тез ёрдам” шохбасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етгани қайд этилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага қўпайгани соҳадаги изчил ислохотлар самарасидир.

Бундан 5-6 йил аввал қўллаб-қўлловчиларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиётдаги ислохотлар натижасида бундай замонавий операциялар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ихтисослашган тиббий

сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Қўнарли томони, тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди. Президентимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб боришган изчил ислохотлар тўғрисида йилги қўрилган пандемия қаршичида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирлар ишлаб чиқилди. Коронавирусга қарши

курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилиб, дори-дармон ва химоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Худудларда ишга туширилган 60 та кислород станцияси тегишли шифохоналарни кислород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди. 2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилиб, аҳоли соғлиғини сақлаш ва корона-вирусга қарши эмлаш чоралари қўрилди.

Қисқача айтганда, Ўзбекистонда халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади. Бу юксак эътибор ва ғамхўрлик эса халқимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, айниқса, барқамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар замирида шарофит соҳа вакиллари билан машаққатли меҳнати ва бурчга садоқати ётади. Мустақиллик байрами арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ бир гуруҳ юртдошларимиз қатори мен ҳам “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирландим.

Камтарона меҳнатимизнинг давлатимиз раҳбари, халқимиз томонидан эътироф этилиши бизни янада шижоат қўрсатиб ишлашга чорламоқда. Энди билдирилган ишончли оқлаш учун бор кучим, билимим ва салоҳиятимни ишга соламан. Бу рағбат аҳоли фаровонлиги, турмуш шароитини яхшилашдек хайрли ишларга камарбаста бўлишда бизга куч-қувват бахш этади.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ҚАТЪИЙ ИЖРО ИНТИЗОМИ — ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ



Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси олий
ва ўрта махсус таълим вазири

Бошланиши 1-бетда

Умуман олганда, ўтган 4 йил мобайнида олий таълим тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун 1,7 триллион сўмдан ортиқ, жумладан, ўқув-лаборатория биноларини, спорт заллари ва талабалар турар жойларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун 1,2 триллион сўм, ўқув-лаборатория жиҳозлари, мебель билан жиҳозлаш, олий таълим муассасаларида лаборатория мажмуаларини ташкил этиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун 500 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Худудлар ва иқтисодиёт тармоқларини уйғун ривожлантириш истиқболларини, ҳудудий ва тармоқ дастурлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг мақсадли параметрлари шакллантирилади, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари мақбуллаштирилади. 2019 йилда Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши соҳанинг туб бурилиш нуқтаси бўлди. Унга мувофиқ, олий таълим тизими олдига қуйидаги стратегик мақсадлар қўйилди:

- республикадаги камида **10 та** олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи **1 000 та** ўриндаги, жумладан, олий таълим байроқдорли сифатида Ўзбекистон Илмий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи **500 та** ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;
- олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;
- олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “**Университет 3.0**” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;



— Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи “**хаб**”га айлантириш;

— олий таълимнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб қилиш.

Жорий йилнинг 16 июнь кунли давлатимиз раҳбари раислигида олий таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши соҳа учун туб бурилиш даврини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайдими. Унда Президентимиз томонидан тизим олдида турган **4 та устувор вазифа** белгилаб берилди:

Биринчиси — олий таълим муассасалари **кенгашларининг** ролини ошириш ва мутахассислик кафедралари ваколатларини кенгайтириш;

Иккинчиси — ўқув жараёнини меҳнат бозори талабларига мослаштириб, ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ва талабанинг ўз устида ишлаши учун муҳит яратиш;

Учинчиси — олий таълим муассасаларининг **илмий салоҳиятини** ошириш, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш;

Тўртинчиси — профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун қозғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали **бюрократия** ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Ушбу йўналишларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида тизимли ишлар бошланди. Масалан, маъмурий жараёнларни рақамлаштириш тизимини жорий этиш ва таълим хизматларини кўрсатишнинг интерфаол шаклига ўтиш бошланди.

Умуман олганда, **34 та** ахборот тизими, жумладан, олий таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими (HEMIS), магистратура, ўқишни қўчириш ва қайта тиклаш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш онлайн тизими, рақамли кутубхона тизими, табақалаштирилган контрактни тўлашни ташкил этиш тизими ва бошқалар ишлаб чиқилиб, жорий қилинди. Бу эса 27 миллиард сўмга яқин маблағ тежалишини таъминлайди. Қолаверса, олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул қилиш учун ҳужжатларни онлайн шаклда тақдим этиш, битирувчиларга QR-кодли диплом ва сертификатлар беришни ташкил этиш, дипломларни сохталаштиришнинг олдини олиш, бакалаврият ва магистратура босқичларининг ягона электрон базасини шакллантириш, ягона электрон кутубхона тизимини яратиш имконини беради.

Албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олий таълим тизимида 2017 йилда бошланган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим ютуқларидан яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бироқ бугунги кунда ислохотларни кучайтириш ва объектив жадаллаштириш билан бир қаторда кун тартибда тизимли ўзгаришларнинг суръати ва ривожланиш хусусиятини сақлаб қолиш долзарб масала бўлиб турибди.

Турли даражаларда белгиланган вазифаларга эришиш, асосий жиҳатларни тизимли ўрганиш ва чора-тадбирлар натижадорлигини кенг қўламли таҳлил қилиш ислохотлар самарадорлигининг ҳал қилувчи омилли сифатида тизимнинг барча даражаларида раҳбарларнинг масъулияти, муваффақиятнинг яқиний йўли **ижро интизоми** эканини яна бир бор тасдиқлади.

Президентимиз ўз қишқиларида айнан шу ҳақда бир неча бор эслатиб ўтди.

Республика олий таълим тизимида бу борада аниқ қандай ишлар қилинди? Бизга ишониб топширилган соҳада ижро интизоми масаласини қандай бажаряпмиз?

Таъкидлаш жоизки, ислохотлар самарадорлиги ва умумийлигига фақат Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “**Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш**”

да давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида, шунингдек, 2021 йил 31 майдаги “**ljro.gov.uz**” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимни самарали фаолият кўрсатиши таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ такомиллаштирилган ижро интизомининг назорат қилишнинг тизимли механизми мавжуд бўлгандагина эришилади.

Президент топшириқларининг ижросини **тизимли назорат қилиш** жараёнидаги ўзгаришлар тўғрисида вазирлиқлар ва идоралар масъул ходимларига етказиш борасида **ҳукуматнинг** мувофиқлаштирувчи роли муҳим аҳамият касб этади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг асосий механизми мазмун-моҳияти жорий йил март ва июнь ойларида ташкил қилинган семинарларда Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари томонидан тушунтириб берилгани бунинг яққол далилидир.

Вазирликка юклатилган вазифалар ҳажмининг катталигини ҳисобга олган ҳолда уларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун ижро интизомини таъминлашга оид тизимли ёндашув жорий этилди.

Хусусан, вазирнинг ҳар бир ўринбосари етарли ваколатларга, ресурсларга эга ва ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун “Ишни жамoa бажаради, масъулият эса шахсий!” тамойилига қатъий амал қилган ҳолда шахсан жавобгардир.

Шу билан бира, вазирлик таркибида вазирнинг биринчи ўринбосари раҳбарлигида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича доимий равишда фаолият кўрсатадиган



— **2021/2022 ўқув йилида олий таълим муассасаларига умумий қабул параметрлари 170 655 та ўринни ташкил этди, бу ўтган ўқув йилидагига нисбатан 12,6 фоиз (19 100 ўрин) кўпдир. Бундан ташқари, давлат дастурида белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари 7 250 ўринга ёки 25 фоиз оширилди.**

штаб ташкил этилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг худудларга таширифи, шунингдек, ҳузурида ўтказиладиган мажлислар материалларини тайёрлашда белгиланган янги вазифалар ва устувор йўналишлардан келиб чиқиб, юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар шакллантирилади.

Зарурат туғилганда, мажлис баёнлари лойиҳаларига республика раҳбарияти томонидан олий ва профессионал таълим тизими олдида қўйилган вазифаларнинг тўлақонли ва сифатли ижросини таъминлашга қўмаклашадиган қўшимча таклифлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг янги тизими жорий этилгани муҳим аҳамият касб этади. Вазирлик “**IJRO.GOV.UZ**” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига уланган.

Бугунги кунда “**IJRO.GOV.UZ**” тизимидаги вазифаларни бажариш самарадорлиги ҳафтада икки марта вазирлик раҳбарияти томонидан, шу жумладан, марказий аппарат йиғилишларида ҳам онлайн, ҳам офлайн тарзда муҳокама қилинади. Шу билан бира, ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича **Адлия вазирлиги ва ҳукумат аппарати** билан кунлик ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича ўрнатилган янги ўзаро ҳамкорлик тизимига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўз ишини **5 босқичда** амалга оширади: **биринчи босқичда** — қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг электрон нусхалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан “**IJRO.GOV.UZ**” тизими орқали Адлия вазирлигига юборилади;

иккинчи босқичда — Адлия вазирлиги “**IJRO.GOV.UZ**” тизимида ижро муддатлари ва масъул шахсларни қабул қилинган ҳужжатларга мувофиқ белгилайди;

учинчи босқичда — ушбу вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли ва самарали ижросини таъминлаш мақсадида масъул ижрочилар ҳар бир вазифани амалга оширишнинг аниқ механизмиларини белгилаб, “Йўл харита”ларини тайёрлайди, вазирлик раҳбарияти томонидан тасдиқлаб, амалиётга жорий қилади;

тўртинчи босқичда — тегишли ҳужжатга мувофиқ ижроси таъминланган топшириқ натижалари масъул ижрочилар томонидан “**IJRO.GOV.UZ**” тизимига киритилади. Адлия вазирлиги натижаларни қўриб чиқади, ижро натижалари қониқарсиз бўлганда улар қайта ишлашга юборилади. Белгиланган вазифалар сифатли бажарилса, ижро ҳолати “**IJRO.GOV.UZ**” тизимида тасдиқланади;

беининчи босқичда — Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси топшириқлар ижро этилиши даражасини

қўриб чиқади ва амалга оширилган ишлар натижаларини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

Тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида ҳисоби юриштилади, чунки уларнинг идоралараро келишуви ва жамоатчилик муҳокамаси учун мўйяян вақт талаб этилади.

Ҳужжатлар лойиҳаларининг идоралараро келишувини жадаллаштириш учун тегишли вазирлик ва идоралар билан ишлашнинг аниқ тизими жорий этилди: ҳужжат лойиҳасининг ҳар бир ижросида ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ижрочилари даражасида мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади.

Зарурат бўлганда, келишувни тезлаштириш учун масала вазир ўринбосарлари даражасига, зарур ҳолларда эса вазир даражасига кўтарилади.

Президент ва ҳукумат қарорлари билан ташкил этилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ходимларни қўшимча рағбатлантириш имконияти ташаббускор ва масъулиятли ходимларни рағбатлантириш, шунингдек, вазифаларнинг амалга ошириш муддатларини бузишга йўл қўйган ходимларга нисбатан чоралар қўйишнинг самарали воситасидир. Вазирнинг ўринбосарлари ҳар бир ходимнинг фаолияти яқунлари бўйича уларни қўшимча моддий рағбатлантириш ёки тегишли чоралар қўриш юзасидан таклифлар киритади.

Вазирлик марказий аппаратида ижро интизоми назоратини амалга ошириш юзасидан йўлга қўйилган мазкур механизм республика олий таълим муассасаларида вертикал бошқарув бўйича жорий этилган.

Қисқача айтганда, Президентимиз қарори билан яратилган шарт-шароитлар вазирлик марказий аппаратининг, жумладан, хорижий олий таълим муассасалари раҳбарлари, уларнинг битирувчиларидан иборат жамоани шакллантириш, шунингдек, ижро интизомини таъминлаш ишларини сифатли ташкил этиш имконини беради.

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 22 июлдаги “**Вазирлиқлар, давлат кўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва ҳўжакил бир-лашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида**”ги қарорига сифат жиҳатидан янги босқичда **давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий жавобгарлиги** масалалари белгиланган ва уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг янги тизими жорий этилган. Ушбу қарорга қўра, вазирликда вазир ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини халқаро метод ва таомийлар — KPI (Key Performance Indicator — асосий ишлаш кўрсаткичи) асосида бажаришни тизимли назорат қилиш йўлга қўйилмоқда. Яқин истиқ-



болда бундай тизим олий таълим муассасаларида жорий этилади.

Вазирлик томонидан давлатимиз раҳбарининг стратегик кўрсатмалари ва узоқ муддатли истиқболли топшириқлари бажарилишини аниқ мисолларда кўриш мумкин. Жорий йилнинг ўтган **6 ойи** мобайнида вазирликка **635 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатда келтирилган **4 740 та** топшириқ келиб тушди. Уларнинг ўз вақтида бажарилиши натижасида вазирлик қуйидаги натижаларга эришди:

— **14 та** янги олий таълим муассасаси ташкил этилди, натижада республикадаги университетларнинг умумий сони **142 тага** етди;

— реал иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида эҳтиёж юқори бўлган янги **65 та** бакалаврият таълим йўналиши ва **79 та** магистратура мутахассислиги очилди;

— 2021/2022 ўқув йилида олий таълим муассасаларига умумий қабул параметрлари **170 655 та** ўринни ташкил этди, бу ўтган ўқув йилидагига нисбатан **12,6 фоиз (19 100 ўрин)** кўпдир. Бундан ташқари, давлат дастурида белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари **7 250 ўринга ёки 25 фоиз** оширилди;

— вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари докторантурасига **2 337 та** қабул квотаси шакллантирилди;

— **12 та** олий таълим муассасасидаги инкубация марказлари ва республиканинг **18 та** олий таълим муассасасидаги Технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда;

— **янги Олий таълимнинг давлат таълим стандарти (Асосий қондалар)** ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиқларининг **933 та** малака талаби ишлаб чиқилиб, тасдиқланган;

— академик лицейларга икки йиллик таълим тизими учун **11 та** ўқув режа ва **27 та** фан дастури ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим тизимини ислохот қилиш ва янги Ўзбекистонни барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратишда вазирлик томонидан тармоқ вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда қўйиладиганга эришилди:

— олий таълим муассасалари, жумладан, чет эл филиаллари ва нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини қўлайитириш орқали ёшларнинг олий таълим билан камровини ошириш;

— профессор-ўқитувчиларнинг мақомини ошириш;

— кечки ва сиртки таълим шакллари очилди;

— кредит-модуль тизимига ўтиш;

— замонавий таълим дастурлари, педагогик ва smart технологияларни жорий этиш;

— замонавий таълим стандартларини жорий этиш;

— муҳим аҳамият касб этадиган кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича қўшма таълим дастурларини шакллантириш;

— олий таълим муассасаларга академик, молиявий ва бошқарув мустақиллигини бериш;

— худудларда эҳтиёж юқори бўлган йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш, жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очилди;

— республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тўлов-контракт суммасини тенг улушларда камида тўртга бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этиш;

— тегишли олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига масофавий таълим платформасини жорий этиш ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш;

— олий таълим муассасалари сони икки баробар ошириш;

— ҳудудий олий таълим муассасалари учун илмий-педагогик кадрлар захирасини яратиш мақсадида магистратурага мақсадли қабул параметрларини жорий этиш;

— ўқув фанлари сонини икки баробар қисқартириш орқали таълим дастурларини мақбуллаштириш;

— олий таълим муассасаларини ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг янги тартибини белгилаш;

— академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш;

— илмий даражаларни олишнинг икки босқичли тизимини қайта тиклаш ва жорий этиш;

— стажёр-тадқиқотчилик институтини яратиш;

— олий таълим муассасаларини замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш;

— олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорини белгилаш ва тўлаш механизмини такомиллаштириш;

— тўлов-контракт асосида ўқийдиган талабаларга таълим кредитларини тақдим этиш тизимини такомиллаштириш.

Қайд этиш лозимки, “**Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак**” деган стратегик тамойилга амал қилган ҳолда вазирлик томонидан мамлакатимиз фуқароларининг мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, 2017-2022 йиллар давомида вазирликда жисмоний ва юридик шахсларнинг **51 198 та** мурожаати қўриб чиқилган. Олиб борилган комплекс ишларнинг натижасида олий таълим соҳасидаги тизимли муаммолар билан боғлиқ кўплаб масалалар батафсил ўрганиб чиқилиб, ечимини топан ва қуйидаги натижаларга эришилган:

— **5 621 та (11,0 фоиз)** мурожаат ижобий ҳал қилинган;

— **40 743 та (79,6 фоиз)** ҳолатда ўз вақтида юридик ахборот тақдим этилган;

— мурожаатларнинг **549 таси (1,2 фоиз)** мурожаат қилган фуқароларнинг анонимлиги сабабли қўриб чиқилмаган;

— **4 285 та (8,2 фоиз)** мурожаат масала моҳияти бўйича тўлақонли тушунтириш бериш учун тегишли ҳудудий бошқармалар ёки бошқа вазирлик ва ташкилотларга юборилган.

Вазирлик томонидан **10-06** қисқа рақамли ишонч телефони ва **Call марказ** ишга туширилган. Ушбу давр мобайнида юқоридаги рақам орқали **180 000 дан** ортиқ мурожаат қабул қилинган. Бунинг натижасида фуқаролар мурожаатларининг сони **40 фоизгача** камайган.

Талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда кенг жамоатчилик билан таълим жараёни сифати юзасидан мулоқот қилиш учун олий таълим муассасаларида вазир ва унинг ўринбосарларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлган **телеграм канал** ишга туширилган.

Мазкур платформа орқали **6 241 та** савол ва таклиф қўриб чиқилди. Бундан ташқари, вазирлик томонидан интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали олий таълим соҳасига тегишли бўлган **долзарб масалалар** бўйича **360 дан** ортиқ расмий мурожаат эълон қилинган.

Мухтасар айтганда, таълим соҳасидаги **тизимли ва кенг қўламли масалаларни** ҳал қилиш учун нафақат яхши педагоглар, балки ёшлар билан ишлашни биладиган, ривожлантириш дастурларини яратиб, амалга ошира оладиган саводхон, мустақил, ташаббускор ва етакчи бошқарувчилар бўлган **таълим менежерлари** керак.

Зеро, “**Ижро интизоми — ислохотлар гарови**” тамойилига амал қилиб, халқимизнинг эҳтиёжларини қондириш пировард мақсаддир.

Бу эса мамлакатимизда **янги Уйғониш — Учинчи Ренессанс** даврининг пойдевори яратилаётган тарихий даврда ниҳоятда муҳимдир.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАТТА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ

ЁХУД ҲАЙРАТЛАНИШ ВА ФАХРЛАНИШГА МУНОСИБ ЮТУҚЛАР



Кувондиқ САНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Ҳақрамони

Бошланиши 1-бетда

Жаҳон тарихидан барчамизга маълумки, ривожланган давлатларнинг тараққиётга юз туттишида миллат лидерларининг ўрни ва роли жуда катта бўлган. XX асрда Францияда Шарль де Голль, Германияда Конрад Аденауэр, Ҳиндистонда Жавахарлаъл Неру, Хитойда Дэн Сяопиннинг номи бутун инсоният, Ватани ва халқи олдида буюк янгиланишлар, давлат ва жамият муносабатларида улкан ўзгаришлар, том маънода инсонни кадрлаш, унга эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт бағишлашдек умуминсоний мақсадларни амалга оширган улғу шахслар сифатида миллат тарихи зарваракларига битилди.

Бу тарихий шахсларни бежиз эсламадик. Дунё ярилибдики, ҳар бир инсон бахтли яшашни хоҳлайди. У бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхши ҳаёт кечирishi истади. Юрти тинч, оиласи тотув, фарзандлари соғлом бўлишини орзу қилади. Халқнинг бундай эзу ниятларини рўёбга чиқариш эса алоҳида тарихий шахсларга, уларнинг сиёсий жасорати, амалий фаолиятига боғлиқ. Шавкат Мирзиёев, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда сиёсий, иқтисодий инқирозлар, қарама-қаршилиқлар авж олган ғоят мураккаб шароитда ўз халқининг бахтли келажаги учун ана шундай масъулиятли ва улғувор миссияни зиммасига олган тарихий шахсдир.

Халқимизда “Олдинда етакчинг бўлсин, орқанда — таянчинг”, деган яхши мақол бор. 2016 йилдан буён Ўзбекистон солномасида янги саҳифалар очилиб, янгиланиш ва юксалиш даври бошланди. Бу юқорида эътироф этганимиз — эл ва давлат бахтига келган Лидернинг фаолияти билан боғлиқ ўзгаришлар самарасидир.

Мутлақо балоқдларвоз сўзлардан одам, иқтисодий, ижтимоий ҳаётимиз, одиллик сифати онгу шуурида рўй бераётган янгиланишларга ҳолисона ёндашишдан келиб чиққан ҳушосамиз шу.

Оммавий ахборот воситалари орқали Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи чоғидаги учрашувларини, оддий одамлар, айниқса, хотин-қизлар, ёшлар билан самимий мулоқотларини кузатиб, бу суҳбатлардан инсонларда эртанги кунларга ишонч уйғонаётганлиги ҳар биримиз гувоҳ бўляпмиз-ку, ахир!

Бу ҳаётда янгилик қилиш, кўпчилик одамлар ўрганиб, кўникиб қолган эскича қилип ва андозаларни ўзгартириш, янги ислохот ва ўзгариш жараёнлари осон кечмаслигини Шавкат Мирзиёев жуда яхши биларди. Аммо бундан асло чўчимади. Бу ишқотларни олиб боришда, ўзи кўп бора таъкидлаб ўтганидек, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг куч-қудратига таянди. Халқни уйғотиш, юрдошларимиз қалбларига янги руҳ олиб кириш орқали уларни ислохотларга ишонтариш, давлат ва

жамият бошқарувини тубдан ўзгартиришдек буюк миссияни ўз зиммасига олган етакчи шахсдан улкан масъулият, жасорат ва доғишмандлик талаб этиларди. Президентимиз томонидан ишонч билан бошланган шиддатли ислохотлар ўз натижаларини бера бошлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, шу пайтгача давлат ва жамият ҳаётида бўлган, бироқ кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олинган камчилиги нуқсонлар Юртбошимиз томонидан очиб ташланди. Бу борада Ватанимиз тараққиёти ва келажаги йўлида Лидер сифатида чинакамига сиёсий жасорат кўрсатганлиги барча раҳбарлар учун ибрат мактаби бўлди.

Яқинда оммавий ахборот воситаларида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати томонидан экспертлар ўртасида ўтказилган глобал сўров натижаларига кўра, Президентимизнинг тарихий аҳамиятга молик 15 та муҳим ислохоти эълон қилинди. Бу сўров натижаларининг муҳим жиҳати шундаки, унда нафақат маҳаллий, балки хорижий экспертлар фикрича, Ўзбекистон етакчисининг энг муҳим ислохоти сифатида Марказий Осиёда яхши кўшнчилик муносабатларининг ўрнатилгани, чегаралар очилгани ва назорат пунктлари ташкил этилгани эътироф этилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан барча масалалар бўйича конструктив мулоқотни йўлга қўйганлиги айна ҳақиқатдир. Асрлар давомида халқларимиз ўртасидаги тарихан қарор тогган дўстлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Қўшни давлатлар билан бундай муносабатларнинг ташаббускори ҳам айнан бизнинг Президентимиз бўлди.

Ҳозир шулар ҳақида уйлаб, комбинатимизнинг кечаги ва бугунги фаолияти, бу ерда ишлаётган минглаб инсонларнинг тақдири ҳақида ёзиш вақти келди, деб биламан.Томчида кўёш акс этганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар Навоий кон-металлургия комбинатида эришилаётган муваффақиятларда ҳам ўз ифодасини топапти. Сўнгги йилларда комбинатда қай бир соҳада, қайси бир бўлинмада муваффақиятга эришилган, тўпланиб қолган муаммолар ҳал этилган бўлса, бунда Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ва билвосита иштироки, раҳнамолиги ва кўмаги бор.

ЯНГИЛАНИШЛАР МАҲСУЛИ

Ҳар бир даврнинг ўз тарихи, солномаси бўлади. Бугун биз ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида юртимизнинг янги тарихини яратяпмиз. Шиддатли ислохотлар самараси нафақат одамлар ҳаётида, балки ҳар бир соҳа ривожига ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Асрларга татигулик йиллар ва йўллар одамларимиз дунёқарашини тубдан ўзгартириб, эртанги кунга ишончини оширмоқда.

Мамлакатимиз кон-металлургия саноатини техник-технологик жиҳатдан янгиллаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги юксалиш Президентимизнинг бизга кўрсатаётган амалий ёрдами билан чамбарчас боғлиқ. Тармоқда қазилма бойлиқларини қазиб олиш билан бир қаторда, унинг захираларини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатимизда геология соҳасини ривожлантиришга эътибор қаратилиб, муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу, шубҳасиз, соҳада илгари кузатилмаган ислохотлар бошланганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги

нутқида, мамлакатимизда кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганлиги ва бу миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ер ости бойлиқларини геология-қидириш ишлари ўта машаққатли ва кўп вақт талаб қиладиган жараён. Яқин вақтгача мазкур жараённи тартибга солишда фойдаланилаётган ҳужжатлар ўтган асрнинг 90-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, унда замонавий технологиялар ва иш услубларини қўллаш назарда тутилмаганди. Президентимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори туфайли геологик қидирув ишларини олиб боришда илғор ахборот-технологиялардан фойдаланишга ўтилмоқда. Жўмладан, аниқланган ер ости бойлиқлари захираларини юритишнинг жорий тартиби дунёнинг 90 фоиз мамлакатлари фойдаланиб келаётган Австралия кодекси (JORC Code) стандартлари тизимига ўтилиши натижасида соҳанинг

фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган. Комбинатни яқин истиқболда ривожлантириш дастури доирасидаги лойиҳаларни таҳлил қилиб кўриб, Президентимизнинг оқилона сиёсати, ташаббуслари ва кўрсатмалари замирида, энг аввало, одамларни ҳаётдан рози қилиш, турмуш фаровонлигини оширишдек эзу мақсад мужассамлигига амин бўласиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида давлатимиз раҳбарининг янги 7-гидрометаллургия заводида ташрифи жамоамизни жуда руҳлантириб юборди. Айниқса, Президентимизнинг жамоамиз вакиллари ва ёшлар билан бўлган учрашувидаги “Бизнинг асосий бойлигимиз ер ости бойлиқлари эмас, аслида мана шу халқ, сизларсиз” деган сўзлари барчамизга мамнуният, келгусидаги ишларимизга янада катта ишонч ва руҳ бағишлади.

Шу ўринда бу завод тўғрисидаги айрим маълумотларни алоҳида қайд этиб

“**Ер ости бойлиқларини геология-қидириш ишлари ўта машаққатли ва кўп вақт талаб қиладиган жараён. Яқин вақтгача мазкур жараённи тартибга солишда фойдаланилаётган ҳужжатлар ўтган асрнинг 90-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, унда замонавий технологиялар ва иш услубларини қўллаш назарда тутилмаганди. Президентимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори туфайли геологик қидирув ишларини олиб боришда илғор ахборот-технологиялардан фойдаланишга ўтилмоқда.**”



инвестициявий жозибдорлиги ошапти. Инвестициялар оқимини янада кенгроқ жалб қилиш учун халқаро стандартларнинг ҳисобот шаклларида ўтилдики, бу соҳа ривожини учун муҳим янгилик ва қадам бўлди.

Айни пайтда 60 минг нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган Навоий кон-металлургия комбинатида 2026 йилгача тасдиқланган дастур бўйича 3,4 миллиард долларлик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Дастур ижроси бўйича комбинатда охириги 5 йилда 16 та лойиҳа доирасида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 2,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бугун 2016 йилга нисбатан 3,4 мартага ошди. Натижада олтин ишлаб чиқариш ҳажми 15 фоиз, қумуш — 45 фоизга кўпайди.

Лойиҳалар ўз йўлига, ҳамма гап уларнинг аҳамиятида. Содда қилиб айтганда, улар халқимиз турмуши

ўтиш жоиз деб биламан. Комбинатнинг тажрибали муҳандис ва мутахассислари томонидан техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича дунё амалиётида бўлмаган, ноёб инвестицион лойиҳа амалга оширилди. Мутахассисларимиз олимллар билан ҳамкорликда мазкур муаммолар ечим бўйича янги технологияларни яратишга эришди. Дастур доирасида амалга оширилган 7-гидрометаллургия заводининг ишга туширилиши мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигига муносиб совға бўлди. Ушбу завод йилга 15 миллион тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, унда жорий қилинган технологиялар жаҳон амалиётида биринчи марта қўлланилмоқда ва технологик усуллари бўйича ўхшаш йўқ ҳисобланади. Яна бир муҳим томони, завод тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, энг замонавий технологиялар асосида ишлайди.

Комбинат жамоаси томонидан дунёга машҳур “Мурунтов” конини

ўзлаштиришнинг бешинчи навбати инвестицион лойиҳаси доирасида коннинг шимолий ён тарафида захираларни очиш ишлари олиб боришмоқда. Мазкур лойиҳани тўла амалга ошириш келажақда 2-гидрометаллургия заводидаги йилга 50 миллион тонна маъдан етказиб бериш, кон чуқурлигини 1000 метргача етказиш, шунингдек, коннинг хомашё захирасини яна ярим асрга узайтириш имконини беради.

Маълумки, Президентимизнинг 2017 йилнинг 28 мартида Навоий вилоятига ташрифи чоғида 5-гидрометаллургия заводи қурилишига тамал тоши қўйилган эди. Жорий йилда “Ауминзо-Амантой” олтин кони негизда барпо этилган ва йилга 5 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга мазкур завод қуриб битказилди.

Буларнинг барчаси бизни жиддий фикрлашга чорлайдиган, янги Ўзбекистоннинг дунё микёсидаги нуфузини ошириш, ёруғ манзилларни кўзлаб амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўламининг кенглиги ҳақида ойдин ва хузурубаш тасаввурлар уйғотадиган ҳамда фахрланадиган омиллар эканлигини тасдиқлайди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар Навоий кон-металлургия комбинатини нафақат Ўзбекистон, балки жаҳоннинг йирик олтин ишлаб чиқарувчи компаниялари орасида ҳам катта мавқега олиб чиқмоқда. НКМК айни кунда жаҳондаги ўн та йирик олтин ишлаб чиқариш компаниялари орасида олтинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бундай залворли ютуқларнинг аҳамиятини ва бунда давлатимиз раҳбарининг ўрнини чуқурроқ англаш учун комбинатнинг яқин тарихига назар солиш керак, деб ўйлайман. XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги охирида Навоий кон-металлургия комбинатининг молиявий ахволи анча ночор ва катта қарздорлик ботқоқига эди.

Ўзига хос мураккаб технологияларга асосланган комбинат участкаларининг аксариятини ўз вақтида собиқ иттифокнинг турли бурчакларидан келган мутахассислар бошқарарди. Улардан кўпчилиги ўз юртига қўчиб кетишнинг бошланиши муаммони кескинлаштарди. Қизиги шундаки, бундан йигирма-йигирма беш ва ҳаттоки ўн беш йил муқаддам йирик бўлинма раҳбарлари орасида маҳаллий кадрлар деярли йўқ, олтин ва уран ишлаб чиқариш корхоналарининг цех, участка, ғуруҳ хизмати бошлиғи, смена устаси каби ўрта бўгин лавозимларида ҳам улар озчиликни ташкил қиларди.

Комбинатнинг барча бўлинмаларида, айниқса, рудани қазиб олиш ва қайта ишлаш, унн жаҳон бозорида харидоргир махсулотга айлантиришнинг мураккаб технологиялари билан боғлиқ ўрта ва юқори бўғинларда раҳбарлик, техник ва технологик лавозимларда маҳаллий бўлмаган мутахассислар фаолият олиб борарди. Бу ажойиб мутахассислар комбинатда ўнлаб йиллар, айримлари унинг ташкил этилишидан буён ишлаб келар, аммо тажрибали маҳаллий кадрлар жуда оз эди. Айни шу даврда русийзабон мутахассислар доимий яшаш учун республикадан кетиб қолишининг янги тўлқини бошланди. Ушанда уларнинг оммавий кетиб қолиши сабабли олтин ва уран саноати таназзулга учрайди, ушбу металларни ишлаб чиқариш кескин камаяди, деган гап-сўзлар тарқалган эди. Воқеалар бундай ривожланишининг олдини олиш керак бўлди. Бу иш жуда кўп саъй-ҳаракатларни талаб қиларди. Чунки бошқарувнинг барча бўғинларида бўшаб қолган ва бўшайдиган лавозимларни тўлдириш учун кадрлар тайёрлаш билан астойдил шуғулланиш керак эди. Биз ўша кезларда мамлакат Бош вазирлиги бўлиб ишлаган Шавкат Мирзиёев кўрсатмаларига асосан маҳаллий кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор бердик.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан қўрилган изчил чоралар натижасида комбинат жамоаси нафақат олтин ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмалари ва уран бўйича

“
ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ
2017 ЙИЛНИНГ
28 МАРТИДА
НАВОЙИ ВИЛОЯТИГА
ТАШРИФИ ЧОҒИДА
5-ГИДРОМЕТАЛЛУРГИЯ
ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИГА
ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛГАН
ЭДИ. ЖОРИЙ ЙИЛДА
“АУМИНЗО-АМАНТОЙ”
ОЛТИН КОНИ НЕГИЗИДА
БАРПО ЭТИЛГАН ВА
ЙИЛГА 5 МИЛЛИОН
ТОННА МАЪДАННИ ҚАЙТА
ИШЛАШ ҚУВВАТИГА ЭГА
МАЗКУР ЗАВОД ҚУРИБ
БИТКАЗИЛДИ.
”

ҳам халқаро шартномаларни бажарди, балки янги замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда инновацион технологияларни жорий этишга эришди. Корхонамизда ҳар қандай вазифани уddалай оладиган ахил ва ҳамжиҳат жамоа шаклланди. Юқорида таъкидлаб ўтилган ютуқларнинг асосий омилларида бири шунда, деб ўйлайман. Шу ўринда яна бир фикрни фахр билан таъкидлашни истардим. Комбинатнинг асосий ишлаб чиқариш участкаларини бошқараётган маҳаллий раҳбар кадрлар айнан сўнгги йилларда тарбияланди ва ватанпарвар, фидойи ва масъулиятни зиммасига оладиган етакчилар бўлиб етишди.

ИНСОН ҚАДРИ УЛУГЛАНГАН ЮРТДА ФАЙЗУ БАРАКА, ИШДА УНУМ БЎЛАДИ

Бу ҳаётда эзгуликнинг савоби беқиёсдир. Мамлакатимизда ҳар бир инсон бахтли, бахтиёр яшашга, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаёт кечирishi га ҳаққидир, деган улғу гоё рўёбга чиқарилмоқда.

Президентимиз 2018 йил 2 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида кўплаб лойиҳалар билан танишиши бораборида, Томди тумани ҳудудидаги “Шодлик” Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун Болалар шахарчасини барпо этиш топширигини берган эди. Комбинат қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари билан 2019 йилда 10 та икки қаватли коттеж, кўшмица таълим ва мослашув хоналари, кутубхона, спорт мажмуаси, муъжаз меъморий шакллар билан безатилган болалар майдончаси, бассейнларни ўзида мужассам этган Болалар шахарчаси фойдаланишга топширилди. Барча шарт-шароитлар яратилган мазкур шахарчада болалар оила бўлиб, ҳамжиҳатлик муҳитида яшамоқда.

Комбинат яна бир хайрли ишга қўл урди. Зарафшон шаҳрида имконияти чекланган болалар учун замонавий махсус мактабгача таълим муассасасининг барпо этилиши бу борадаги ишларимизнинг давомидир.

Ўзгаришлар ҳар доим ҳам осон кечмайди. Янгилик қилиш, айнақса, бутун бошли мамлакат ва унинг миллионлаб одамлар ҳаётини тубдан ўзгартириш ғоят шарафли, айна чоғда жуда мушкул ва вақт талаб қилувчи, тарихийлик мақомига эга воқеадир.

Чуқур уйлаб кўриб, фикр юритсак, кейинги беш йилга яқин вақт мобайнида биз эришган ютуқлар жуда ҳайратланарли ва фахрланишга муносибдир. Кўп давлатлар бизга ҳавас қила бошлади. Ҳали олдинда бизни қанча ютук ва марралар кутиб турибди. Бундан буён ҳам давлатимиз раҳбари бошчилигида юртимизни буюк ва қудратли давлатга айлантириш йўлидаги катта ишларни давом эттираверамиз.

ИФТИХОР

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА
ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР МУБОРАК!



Паралимпия ўйинлари ғолибларининг ҳар бирига 200 минг АҚШ доллари, уй ва автомобиль, кумуш медаль совриндорларига 100 минг АҚШ доллари, автомобиль ва хонадон, бронза медали соҳибларига эса 50 минг АҚШ доллари, хонадон ва автомобиль Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси сифатида топширилди.

Бошланиши 1-бетда

...Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти. Токиодан учган Ўзбекистон самолёти азиз заминимизга енгил кўнади. Бу самолётда Токио-2020 Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтган спортчиларимиз, уларнинг мураббийлари тантанали кутиб олинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда паралимпия йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳукумат миқёсида ҳужжатлар қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш яхлит умуммиллий ҳаракат касб этди. Демак, спортчилар кўлга киритаётган ҳар бир ютук замирида, шубҳасиз, мамлакатимизда улар учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки истеъдод ва қобилият эътибор туфайли юзага чиқади, ҳаракатга ундайди. Бу эса ғалабаларга йўл демекдир.

Япония пойтахти — Токио шаҳрида бўлиб ўтган Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз Ватан ва миллат шарафини шаҳду шиддат билан ҳимоя қилди. Юрдошларимиз уларнинг ҳар бир ўйинини катта иштиёқ билан кузатиб, кўллаб-қувватлаб турди.

Спортчилар эришган натижа эса, албатта, қувонарли. Ўзбекистон умумжамоа ҳисобида 162 давлат орасида XVI Паралимпия ўйинларини 16-ўрин билан якунлади. Спорт делегацияси ушбу Паралимпия ўйинларига 48 спортчи билан 55 та йўлланмани кўлга киритган эди. Якунда эса, Ўзбекистон жамоаси 8 олтин, 5 кумуш ва 6 бронза, жами 19 медалга сазовор бўлди. Мамлакатимиз Осиё жамоалари ва МДҲ мамлакатлари орасида тўртинчи, Марказий Осиё ва Туркий халқлар орасида биринчи ўринни кўлга киритди.

...Ортимиз фахри — спортчиларимиз байрамона безатилган автобусларда Тошкентнинг марказий кўчалари бўйлаб ғолибона



юришдан сўнг “Янги Ўзбекистон” боғи томон йўл олди. Шаҳар кўчалари миллат қаҳрамонларини кутиб олишга чиққан юрдошларимиз билан гавжум. Уларнинг кўзи ҳавас, кўнгли хайратга лиммо-лим. Кичкинтой фарзандларини елкасига ўтқизиб, чемпионларни олқишлаётган ота-оналар айни дамда ўз боласининг мурғак қалбига Ватан шарафини ҳимоя қилиш шундай бўлиши ҳақидаги илк тасаввурларни экаётган бўлса, не ажаб?!

Муҳташам “Янги Ўзбекистон” боғи ўз қаҳрамонларини кутиб олишга шайлангандай викор тўкади. Боғ чемпионларга совға, чемпионлар эса ўз медалларини Янги Ўзбекистонга бағишламоқда. Ана шу уйғунлик ичра тантанали тақдирлаш маросими бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид ва ота-оналар номидан сўз олганлар паралимпиячиларимизни тарихий ғалабалари билан қутлади.

лигимиз учун сув ва ҳаводай муҳим. Бироқ Президентимиз бизнинг ғалабаларимизни юксак баҳолаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади. Париж олимпиадасида ҳам Ўзбекистонимиз шарафини астойдил ҳимоя қиламиз, деб сўз бераман.

Тақдирлаш маросимида Паралимпия ўйинлари ғолибларининг ҳар бирига 200 минг АҚШ доллари, уй ва автомобиль, кумуш медаль совриндорларига 100 минг АҚШ доллари, автомобиль ва хонадон, бронза медали соҳибларига эса 50 минг АҚШ доллари, хонадон ва автомобиль Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси сифатида топширилди.

“Янги Ўзбекистон” боғидан таралган рангин мушаклар музаффар йўлимиз ибтидоиси, мадҳиямиз садолари эса яна эришажак катта ғалабаларимиз рамзи сифатида кўнглимиздан жой олади.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН
ИШЛАНМАЛАР САЛМОҒИ

Халқаро ҳамкорлик ва филиаллар
фаолияти ривожлансагина ортади



Шаҳобжон ШАРИПОВ,
“Яшнобод” инновацион
технопарки директори

Технологиялар, янгидан-янги ғоялар асрида яшаймиз. Бугун муайян вақт ҳаракатдан тўхтаган инсон ривожланиш магистралининг четига чиқиб қолиши ҳеч гап эмас. Айниқса, ихтирочилар, стартаперлар ёки ишлаб чиқарувчилар бу борада бир қадам олдинда юришлари зарур. Технопарк резидентлари олдида қўйладиган талаблардан бири ҳам инсоният эҳтиёжини ўрганиб, замон билан ҳамнафас тарзда маҳсулотлар тақдим этишдир.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида”ги фармони билан ушбу технопарк ташкил этилди.

форма ҳисобланиб, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, стартапларни кўллаб-қувватлаш ва уларни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашади.

Фестивалда иштирок этишдан ташқари, Украина таълим ва фан вазирлиги, Украина инновацияларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси, “Unit” технопарки ва Миллий техника университетида музокаралар олиб борилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги делегацияси 23-25 август кунлари Беларусь Республикасида хизмат сафарида бўлди. Унинг доирасида бизнинг технопарк билан Минск шаҳридаги “Great Stone” сановат парк ўртасида ҳамкорликдаги қўшма стартап лойиҳаларни ривожлантириш, бизнес-инкубатор лойиҳасини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилиб, бу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тегишли шартномаларни имзолашга келишиб олинди.

ФИЛИАЛЛАР ФАОЛИЯТИ —
ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Президентимизнинг жорий йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берган топшириқларига биноан, Яшнобод инновацион технопаркининг экстерриториаллик тамойили асосида “Чуст инновацион технопарки” филиали низоми ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Олтинсой тумани ҳудудидан 1,2 гектар ер майдони “Яшнобод” инновацион технопарк балансида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул ўтказилиши юзасидан ҳамкор ташкилотлар ва Сурхондарё вилоят ҳокимлиги билан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, технопаркининг Олтинсой туманида бизнес инкубатор фаолиятини йўлга қўйиш



Ҳозирги кунда унинг резидентлари жами 54 та инновацион лойиҳа билан киём технологиялари, биотехнологиялар, фармацевтика ва тиббиёт биотехнологиялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ ҳўжалиги, қўрилиш материаллари, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа йўналишларда иш олиб бормоқда.

2021 йил 1 июль ҳолатига кўра, резидентлар томонидан 531 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, 172,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва мамлакатимиз ички бозорига сотилган. Шу билан бирга, 1,4 миллион АҚШ доллари микдоридagi маҳсулот Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига экспорт қилинган. Резидентлар томонидан 3,1 миллион АҚШ доллари микдорида инвестициялар қилинган.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК
БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Стартап лойиҳаларини амалга оширишда резидент мутахассисларининг дунёқарашини, креативлиги катта аҳамиятга эга. Сабаби, улар қанчалик кенг фикрласа, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳам шунчалик мукамаллиги касб этади. Стартапчилар малакаси ва дунёқарашини ўстиришда халқаро тадбирлар, турли фестивалларнинг ўрни катта.

Жорий йилнинг 12-14 август кунлари Украинанинг Киев шаҳрида бўлиб ўтган “Sikorky Challenge 2021: Украина ва дунё” инновацион лойиҳалар фестивалида технопарк вакиллари илк маротаба иштирок этмоқда. Бу фестиваль келгусида халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Айтиб ўтиш керакки, “Sikorskiy challenge 2021: Украина ва дунё” — Украина ва хорижий мамлакатлардан ҳамкорларни бирлаштирувчи (таълим ва илмий ташкилотлар, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, компаниялар, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари) очiq инновацион экотизимни акс эттирувчи плат-

ва ҳудуднинг инновацион мавқеини ошириш мақсадида “Олтинсой ёшлар инновацион ишлаб чиқариш зонаси” ташкил этилди ва низоми тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги баёнига мувофиқ, жорий йилда вазирлик ва идоралар ҳудудий маҳаллаларга бириктирилиб, жойларда “Маҳаллабай” ишлаш тизими кенг йўлга қўйилди. Хусусан, Инновацион ривожланиш вазирлигига бириктирилган маҳаллаларда янги кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш мақсадида Яккасарой туманининг “Конституция” ва “Ракатбоши” маҳалласида 2 та “хизмат кўрсатиш контейнер”ни ўрнатиш орқали 12 нафар ишчи ўқуғори доимий иш билан таъминлаш чоралари қўрилди.

Президентимизнинг 2021 йил 15 апрель кунли Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Ургут туманини инновацион ҳудудга айлантириш борасида берган топшириқлари асосида технопарк резиденти “UJAM INNOVATE” МЧЖ томонидан тақдим этилган “SOS” (Автомобилларни автоҳалокат пайтида автоматик тарзда ФВВ ва ССВнинг call-марказларига хабар бериш), “Алкотестер” (Спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳайдовчиларнинг автомобиль бошқаришининг олдини олиш), шунингдек, автомобилларда олиб юриш учун мўлжалланган “Автоном музлаткич” инновацион лойиҳалари вазирлик томонидан стартап тарзида молиялаштирилди. Технопарк резиденти юқоридagi инновацион лойиҳалар бўйича ўз ишларини давом эттиряпти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугун стартап қилишни, инсоният ҳаётини яхшилаш ва енгиллаштириш, иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишни истаган ёшлар, тадқиқотчилар учун имкониятлар кенг, шароитлар етарли. Биздан талаб қилинадигани — ўз устимизда тинимсиз ишлаш ва янгидан-янги ғоялар ишлаб чиқиш. Ана шунда миллий инновацион ишланмалар салмоғи янада ортиб бораверади.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ ЯНГРАДИ



Ёзги таътил поёнига етиб, мамлакатимиздаги 10 минг 83 та умумтаълим мактабида анъанавий дарслар бошланди. Биринчи қўнғироқ садолари остида бу йил мактабларнинг 1-синфига 600 мингта яқин бола қадам қўйди. Уларга 12 турдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкаси, дарсликлар мажмуасидан иборат Президент совғалари тантанали топширилди.

Жорий йилда “Биринчи қўнғироқ” тадбирлари “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида ташкил этилди.

Анъанага кўра, “Билимлар кўни” мактабларда “Мустиқлик дарси”и билан бошланди. Машғулотларда миллий истиқлол даврида

эришилган ютуқлар ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берилди. Маълум сабабларга кўра, мактабга кела олмаган болалар учун “Онлайн мактаб” лойиҳаси доирасида МТРК телеканаллари орқали уйдан таълим олиш имконияти яратилди.

Ҳасан Йўлдошев олган сурат.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу мажмуа халқимиз, аввало, ёш авлодимиз учун Ватанга муҳаббат ва садоқат тимсолига, кутлуғ зийратгоҳ, ўзига хос ноёб маданият ва маърифат, тарбия марказига айланмоқда қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йули ва келажагини тўғри белгилай олади.

Шу сабабли биз ушбу ёдгорлик тим-солида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик. Бой ва бетақор меросимиз, буюк саркарда ва

Боғ мажмуасини барпо этишда 2 мингдан зиёд қурувчи ва ишчи, 200 дан ортиқ махсус техника жалб қилинди. Бир гектардан зиёд майдонда 5 минг ўринли очик амфитеатр барпо этилди. Энди бу ерда умумхалқ байрамлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Мажмуа замонавий ёритиш ва акустика тизимлари билан жиҳозланди.

Боғда, шунингдек, 6 гектарлик сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар уйингоҳи, сокин ҳудуд ва фавворалар барпо этилди.



йиллик тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлади.

Монументнинг юқори қисмидан ўрин олган улкан Ҳумо қуши унга янада улғу-

налади. Асосан офисларда ақлий фаолият билан шуғулланиб, толиқадиган шаҳар аҳолиси шовқиндан қочиб, ана шу масканларда — табиат қўйнида дам олади.

СУРУР

УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИ КЎЗГУСИ

Янги Ўзбекистоннинг бугунги интилишларини улғулайдиган гўзал ва фусункор маскан

жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймоларини акс эттиришга интилик", деди Президентимиз.

Маросимда нурунийлар, фан ва маданият намояндалари сўзга чиқиб, барчани ушбу воқеа билан табриклади.

Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга Мустақиллик монументини очди. Мажмуа пойига гуллар қўйилди.

Уша куни Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган байрам тантанаси мазкур боғда ўтказилди.

Боғи Эрам мисоли...

Боғ Президентимиз ғояси асосида қисқа муддатда, аввало, юксак маданият ва маънавият маскани сифатида барпо этилди. Юқоридан қараганда боғнинг умумий қурилиши ҳудди улкан дарахтнинг бешта шохи шаклида бўлиб, бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини ифодалайди. Маълумки, бугун янги Ўзбекистонда барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар замирида давлатимиз раҳбарининг шахсий ташаббуси ва ҳаётбахш ғоялари асосида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясига назарда тутилган мақсад ва вазифалар рўёби мўжассам. Бинобарин, боғга келган киши янги



Табаррук гўшанинг чинакам рамзи

Миллий истиқлолимизнинг 30 йиллигига бағишланган боғ марказида бунёд этилган Мустақиллик монументи бу гўшанинг чинакам рамзига айланди, десак, муволафа бўлмайди. У юртимизнинг 3 минг йиллик тарихини, аждодларимизнинг буюк ишларини, халқимизнинг миллий ўзлигини, Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг бугунги интилишларини ўзида намоян этади.

— Мустақиллик монументининг баландлиги 60 метр, — дейди мажмуанинг лойиҳа дизайнери Синан Тураман. — Унинг ички қисми Ўзбекистоннинг 3 минг йиллик тарихини ўзида мўжассам этган. Шунингдек, монументда Ўзбекистон шаҳарларини акс эттирувчи бир қанча белгилар бор. Масалан, Самарқанд шаҳридаги Регистон мажмуаси, Амир Темуր мақбараси, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарлари, қолаверса, мамлакатнинг бошқа ҳудудларини акс эттирувчи меъморий ишланмалар мавжуд. Монументда Ўзбекистон маданиятини ифодалашга ҳаракат қилинди.

Айтиш жоизки, мазкур монументни яратишга умумий ҳисобда олти мингга яқин ишчи жалб қилинди. Қираверишда 3 ва 5 пиллапоёга кўзингиз тушади. Илк уч поғона учта Ренессанс даври-ни, кейинги беш пиллапоё Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини аналгатади. Монументнинг чап қисмида Биринчи Ренессанс даври тасвирланган. Бу ерда Хоразмий даври ҳамда Буюк ипак йўли

ворлик бағишлаб турибди. У мағрур қанот ёган ҳолда акс эттирилган. Маълумки, давлатимиз гербининг марказида қанотларини кенг ёйган Ҳумо қуши бўлиб, у бахт ва эрксеварлик рамзи саналади. Ҳумо қушини аждодларимиз бахт-саодат, зғзулик ва улғуворлик рамзи деб таърифлаган. Афсоналарга қура, у бошига қўнган кишига бахт ва омад ёр бўлади. Монументнинг юқорисидан жой олган улкан Ҳумо қуши янги Ўзбекистонимиз бошига қўнган, юртимиз тинчлигини улғулайдиган бахт-саодат тимсоли сифатида гавдаланган.

Монументда, шунингдек, Ўзбекистоннинг собиқ мустабид тузум давридаги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатагон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қўрсатган жасорати ва матонат таъсирчан лавҳаларда ўз ифодасини топди. Ғоят қийин ва мураккаб шароитда республикамиз равақини, халқимизнинг тинчлиги ва омонлигини ўйлаб хизмат қилган атоқли давлат арбоблар-ни фаолияти ҳам атрофликка ёритилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлини акс эттиришга ҳам эътибор қаратилди.

Шаҳар шовқини тошвишларидан холи манзил

Ҳеч кимга сир эмас, шаҳарлар қанчалик мегаполисласха, табиий муҳитдан шунчалик узоқлашиб бораверади. Тўғри, инфратузилма яхшиланади, уй-жойлар, бошқа иншоотлар қурилади. Шунга мос тарзда аҳоли ҳам кўпаяди. Аҳоли кўп бўлган жойда автомобиллар сон-и орта бориши ҳам табиий. Албатта, йирик шаҳарлар саноатлашади. Уларда турли завод ва фабрикалар, корхоналар фаолият юратади. Ана шу ишлаб чиқариш қувватлари, автомобиллардан чиқаётган зарарли ту-тун экологик муҳитга зарар етказмай қолмайди, албатта. Бундай вазиятда шаҳар аҳолиси табиат қўйнига интилади, салқин ва баҳаво масканларга, шовқинли муҳитдан сокин жойларга бориб дам олгиси келади. Дунёнинг кўп-ла давлатлари мазкур муаммага шаҳарлар ичида ва унинг атрофида боғлар, хиёбонлар барпо этиш орқали ечим топпоқда.

Мисол учун, аҳолиси қарийб 18,5 миллион бўлган Нью-Йорк шаҳрини олайлик. Бу шаҳарда осмонўпар бинолар шу даражада зич қурилган, қўчалар шу даражада кам. Шунинг учун шаҳарнинг турли ҳудуд-ида бир неча боғ, хиёбон барпо этилган. Нью-Йорк Марказий хиёбони, Ботаника боғи, Бруклин ботаника боғи, Гудзон дарё-си устида қурилган "Кичкина оролча" номи билан машҳур боғ маҳаллий аҳоли ҳамда сайёҳларнинг сеvimли масканларидан са-

Маълумки, Сингапур ҳам мегаполис, осмонўпар иншоотлари кўп шаҳар-дав-лат. Бу ерда жойлашган "Кўрфаздаги боғ" ўзининг ноодатий дизайни, ландшафти билан дунёга машҳур. Бу боғ ҳукуматнинг Сингапурни "шаҳардаги боғ"дан "боғдаги шаҳар"га айлантириш стратегиясининг бир қисми сифатида барпо этилган. Мазкур стратегия шаҳар-ни қўқаламзорлаштириш ҳамда ўсим-ликларни кўпайтиришни назарда тутди.

Марина-Бэй кўрфазига жойлашган 101 гектарлик мазкур боғ "Гуллар гумбази" ҳамда "Булутли ўрмон" деб номланган иккита гумбазли иншооти билан эътиборни ўзига тортади. "Гуллар гумбази" дунёдаги энг йирик иссиқхона бўлиб, Гиннесснинг "Рекордлар китоби"дан ҳам ўрин олган. Ҳар иккала иншоотда турли қиъталарга мансуб ўсимликлар, дарахт-лар парваришланади.

Боғ ҳудудига темир қаркасдан ишланган 25-50 метрли "дарахт"лар ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки "дарахт"лар ичида турли ўсимликлар экилган. "Дарахт"ларга ўрнатилган ускуналар ёмғир сувини йиғиб, ўсимликларни автома-тик тарзда сугорайди. Қуёш энергиясига асосланган қўрилмалар эса уларнинг тунда порлашини таъминлайди. Айтиш жоизки, бу боғ мамлакатнинг "ташриф қўғози"га ҳам айланишга улғурган.

Президентимиз ғояси ва ташаббуси асосида барпо этилган Янги Ўзбекистон боғи ҳам Тошкент шаҳри аҳолиси ҳамда меҳмонлари учун ана шундай аҳамиятга эга маскан бўлиши, шубҳасиз.

— Шаҳар муҳити ҳар қандай киши-ни толиқтириши тайин, — дейди меҳнат фахрийси Абдулла Жумабоев. — Ҳатто шаҳар ҳаётига ҳаддан зиёд қиққан ин-сон ҳам вақти-вақти билан сокин табиат қўйнига сайр қилиш, ҳайвонот ва наботот оламидан завқланиш, тоза ҳаводан нафас олишни истайди. Тўғри, кўпчилик пойтахт-ликлар бундай пайтларда Тошкент ви-лоятининг тоғли ҳудудларига бориб дам олишга ошқайди. Лекин табиати гўзал бу масканлар пойтахтдан анча узоқда-да. Ҳаммада ҳам, ҳар доим ҳам бундай им-коният бўлавермайди. Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Янги Ўзбекистон боғи эса бу борада айни му-дао бўлди. Бундан жуда қўвонди. Энди Тошкент шаҳри аҳолиси ҳамда пойтахт меҳмонлари узоққа бормай, фусункор табиатга эга бокча келиб, мароқли дам олиши, бу ердаги манзарали дарахтлар гўзаллигидан, анвойи гуллар ифорида-дан баҳра олиши мумкин. Мазкур боғ та-шриф буюр-увчиларга нафакат руҳий ором, балки маънавий озуқа бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки боғ юртимизнинг қадимий тарихидан, буюк аждодларимиз-дан, бугунги кунда янги Ўзбекистонимиз-да олиб борилаётган кенг қўламли ислохот-лардан сўзлайди. Айниқса, ёшларимизда Ватанга муҳаббат, буюк ўтмишимиздан фахрланиш ҳамда юртимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтиради.

Дарҳақиқат, боғни кезсангиз, бу ерда-ги дарахтлар билан халқимиз ўртасида боғлиқлиқни илгалагандек бўласиз. Маълумки, илдизи бақувват дарахт кўп мева тугади, мустаҳкам бўлади, доимо яшнаб туради. Бугун янги Ўзбекистон ҳам гуллаб-яшнамоқда, эришяётган ютуқларини дунё ҳамжамияти кенг эътироф этяпти. Чунки томиримизда буюк аждодларимиз қони оқмоқда. Биз ҳам мана шундай ил-дизи бақувват, тарихи буюк, аждодлари дунё тамаддуни ривожига беқийс ҳисса қўшган, палаги тоза халқимиз.

Бундай мустаҳкам илдиз, буюк тарих ва меҳнаткаш, яратувчан халқига, мар-рани ҳамиша катта оладиган халқлар-вар давлат раҳбарига эга бу мамлакат мудом тараққиёт ва фаровонликка юз тутаверади.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Боғбончилик бобида ота-боболари-миз ҳам дунёда донг таратгани тарихий манбалардан аён. Масалан, биргина буюк Соҳибқирон Амир Тему́р Самарқанд атрофида бир нечта бетақорор боғ барпо эттирган. Улар дунё боғдорчилиги тарихида алоҳида ўрин тугади. Боғлар ҳудудига ҳовузлар қазилиб, фавворалар барпо этилган. Уларнинг ўсимлик ва ҳай-вонот дунёси бой бўлган.

"Боғи Баланд", "Боғи Беҳишт", "Боғи Давлатобод", "Боғи Дилқушо", "Боғи Жаҳоннамо", "Боғи Майдон", "Боғи Нав", "Боғи Чинор", "Боғи Шамол" каби боғларнинг ҳар бири ўзига хос гўзал-лиги, табиатининг фусункорлиги билан ажралиб турган. Уларни барпо этишда турли юртларнинг боғдорчилиқ санъа-ти усталари ва меъморлари қатнаш-ган. Бундай боғлар Самарқанд шаҳри ва атрофидаги ҳудудлар экологик ҳо-латини, микроклиматини яхшилашга хизмат қилган.

Буюк Амир Тему́р "Шоҳ бўлсанг-да, боғ ярат, гадо бўлсанг-да, боғ ярат, бир кун мевасидан тотарсан", деган экан. Урта асрларда айtilган бу фикрнинг қадр-и, аҳамияти бугун ҳам ошса ошяпти-ки, асло тўшаётгани йўқ. Аксинча, аждод-лардан мерос бундай эзгу амаллар бугун ҳам янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Қўбрай туманида барпо этилган, мустақиллик байрамида фойдаланишга топ-ширилган Янги Ўзбекистон боғи Соҳиб-қирон Амир Тему́рнинг боғ барпо этиш борасидаги анъаналари давом этаятга-нини, бу эзгу амал бугун янгича бўй кўр-сатаётганини ёрқин намоян этди.

Янги Ўзбекистон боғи том маънода халқимизнинг боғдорчилик анъаналари-ни ўзида тўлиқ намоян қиладиган, юр-тимиз ўтмиши ва бугунини улғулайдиган гўзал масканга, янгилаётган, яшарает-ган юртимизда олиб борилаётган бунёд-корлик ишларининг чинакам тимсолига айланди.

Президентимиз жорий йил 25 фев-раль кун-и Тошкент вилоятида амалга оширила-диган бунёдкорлик ишлари тарх-и, хусусан, Қўбрай туманида, "Тош-кент-Шарқий" аэродроми яқинида боғ барпо этиш лойиҳаси билан ҳам таниш-ган эди. Уни ишлаб чиқишда дунё мега-полисларидаги машҳур хиёбонларнинг ландшафти, қўлайликлари ўрганилган. Бу боғ дарахтзор, бута ва гуллардан иборат ўзига хос дендропарк бўлиши кўзда тутилган. Шунингдек, пойтахтимиз экологиясига ижобий таъсир қўсатади-ган, аҳоли ва меҳмонлар сайр қиладиган "яшил ҳудуд" бўлиши мўлжалланган-ди.

Боғни барпо этиш жараёни бошдан охиригача Президентимизнинг шахсан на-зоратида бўлди. Давлатимиз раҳбари боғ ҳудудига амалга оширилаётган бунёд-корлик ишлари билан танишиш мақсади-да шу қисқа муддатда бу ерга уч марта ташриф буюрди.

Жумладан, 1 май кунги ташриф чо-ғида боғ ҳудудига парламент ва ҳуку-мат аъзолари, Тошкент шаҳри жамоатчили-ги, нурунийлар, илм-фан, маданият ва санъат вакиллари, спортчилар, ёшлар йиғилди.



Уша куни давлатимиз раҳбари жамоатчилик билан бирга янги боғда кўч-атлар ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 9 июль куни боғ ҳудудига яна ташриф буюриб, бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечири-ди, экиладиган манзарали дарахт кўчатла-рини ҳам кўрди.

Президентимиз 13 август куни боғ ҳудудига учинчи бор ташриф буюриб, "Янги Ўзбекистон" боғида олиб бори-лаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечири-ди. Боғда манзарали дарахтлар ва гуллар экилиб, сўлим ҳудудлар барпо этилаётгани, байрам тадбирлари ўтқа-зиш учун 5 минг ўринли очик амфитеатр қурилиши жараёни билан танишди. Амфитеатрда бўлажак қўлайликлар ҳа-қида маълумот берилди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг 3 минг йиллик тарихи, аждодларимизнинг буюк мероси, халқимизнинг миллий қадрият-лари ўз ифодасини топаган Мустақиллик монументидан ўрин оладиган барельеф ва безак намуналари билан танишди. Мутасадди ва қурувчиларга ўз тавсияла-рини берди.

Шу йил 31 август куни "Янги Ўзбекистон" боғи ва Мустақиллик монументининг очилиш маросими ўтказилди. Унда Президентимиз иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур мажмуада юртдошларимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун яра-тилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталиб, боғ мазмунин миллий давлатчилигимиз тарихи, аждодларимизнинг буюк ишла-ридан сўзлайдиган, халқимизнинг бугун-ги интилишларини кўрсатиб берадиган мас-кан эканини қайд этди.

"Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалари-дан куч-қувват олиб, хато ва мағлу-биятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" М-ҲЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2842.

76354 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" М-ҲЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулсум Шодиева
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбўтотчилар кўчаси, 32-уй